

Қўшнига яхшилик қилиш (36-тавсия)



18:21 / 14.08.2017 7487

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Зарр, шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилиб, қўшнилариңдан ҳабар ол», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Муслимнинг бошқа бир ривоятида Абу Зарр розияллоҳу анҳу шундай деган: «Халилим соллаллоҳу алайҳи васаллам менга шундай тавсия қилдилар: «Шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилгин, кейин қўшнилариңга қарагин, ундан уларга очиқ чеҳра билан бергин».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин!»

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ушбу ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмон одам қўшнилариинг ҳолидан хабар олиб туриши яхши ишдир.
2. Бир-икки коса шўрвани арзимас санамай, қўшниларга беравериш керак.
3. Қўшнига берилаётган нарсани кўнгилдан чиқариб, очиқ юз билан бериш керак.
4. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган одам қўшнисига озор бермайди.
5. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган одам меҳмонини икром қилади.
6. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган одам яхши гап айтади ёки жим туради.

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф тайёрлади